



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1923 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН.

№ 194 (7935). 16 октябрь, 1982 йил ШАНБА Баҳоси 3 тийин.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:

НАВБАТ — ОШИРИЛГАН

МАЖБУРИЯТГА

БҲКА. «Октябрь 40 йиллиги» колхоз заршунослари зиммаларига олган социалистик мажбуриятлари ҳам шараф билан бажарилди. 1020 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 43 центнердан «оқ олтин» иштиёрлиб олинди, давлатга 4896 тонна пахта армуғон этилди.

Гелди Хитоев, Исмоил Қилчоев, Саломатбек Сулаймонов, Эргаш Бозорбоев сингари ўрғондор бошчилик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 55 центнердан ошди кетди. Элбой Ойлов, Сервер Усеинов, Михаил Галин сингари дала даргалари ўз «зангори кема»лари бўғиридан 220—280 тоннадан «оқ олтин» тўқинди. Ўз имкониятларини кўриб чиққан хўжалик пахтакорлари юбилей шарафига ҳосилдорлигини 50 центнерга етказиш учун кураш олиб боришляпти.

Шунингдек, райондаги «Ленинизм», «Коммунизм», «Партия XIX съезда» ва Фрунзе номи колхозларининг дала меҳнаткашлари ҳам оширилган мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топишмоқдалар.

43 ЦЕНТНЕР БЎЛАДИ

ОҚЎРҒОН. Бекки Худойберганов бошчилик қилаётган 6-бўлим деҳқонлари «Оқўрғон» совхозидан биринчи бўлиб социалистик мажбуриятларини бажардилар. 510 гектар ернинг ҳар гектаридан 38 центнердан ҳосил олинди. Давлатга 1738 тонна «оқ олтин» сотилди. Бўлим 1600 гектар майдоннинг ҳар

нинг Абдукарим Тоштанбеков, Қувватбек Ойнабеков ўрғондор бошчилик қилаётган бригадаларида ҳосилдорлик 40 центнердан ошди кетди. Михаил Копешников, Саидкарим Тоштанбеков ва Алишер Тожибоев сингари «зангори кема» капитанлари 220—270 тоннадан пахта териб ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар. Бўлим заршунослари 43 центнерлик марра учун кураш олиб боришляпти.

АХДЛАРИГА ЯРАША

ЎРТА ЧИРЧИҚ. Охунбобоев номи колхозининг Эркин Қариллов бошчилик қилаётган 4-бригадаси социалистик мажбуриятини бажарди. 80 гектар ердан пландагидан 100 тонна кўн яъни 335 тонна «оқ олтин» иштиёрлиб олинди. Ҳосилдорлик гектар бошига 40,2 центнерни ташкил этди.

ҒАЛАБА. Абдували Бухибоев етакчилигида 7-бригада азаматлари ҳам Энгелс номи колхозда биринчилар қаторида социалистик мажбуриятларини адо этишди. Бу бригадани 11-бўлим билан 166 процентга бажаришди. Бошқача қилиб айтганда давлатга 69 гектар ернинг ҳар гектаридан 44,3 центнердан яъни 300 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Коллектив меҳнаткорлари Гани Исломов, Корхужа Хўжақошимовлар 125—140 тоннадан пахта териб ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар.

ЧЎЛҚУВАРЛАР ЗАФАР

КУЧДИЛАР

БЕКОБОД. «Ленинград» совхоз чўлқуварлари дастлабки довои ошдилар. «оқ олтин» сотилди. Бўлим 1600 гектар майдоннинг ҳар

гектаридан 27 центнердан ҳосил олиниб, Ватага 3850 тонна пахта етказиб берилди. Етиштирилган ҳосилнинг 85 проценти машиналарда терилиб, ҳаммаси юқори сортларга топирилди. Чўлқуварлар ҳар гектар ердан яна беш центнердан ҳосил олиб қабул пунктларига 500 тонна пахта етказиб беришга аҳд қилдилар.

Хўжалиқнинг Маҳмуд Мустафоев бошқараётган 5-Бегали Рискүлов бошчилик қилаётган 3-Салоҳиддин Маҳкамов бошқараётган 1-бўлими заршунослари мусобақанинг олдинги сифиди бормоқдалар. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты, моҳир механизатор Сулаймон Имомов капитанлар ўртасидаги мусобақада пешқадамлик қилди. Унинг шу кунгача терган пахтаси 300 тоннадан ошди.

ЗАРБДОР ОТЯДЛАР

ЧИНОЗ. Мавсум бошланшида район комсомоллари аjoyиб ташаббус билан чиқиди. Улар зарбдор комсомол-ёшлар отряди тузиб пахта йиғим-теримда актив иштирок этишга қарор қилдилар. Айни кунларда районда 11 та комсомол-ёшлар зарбдор отрядлари фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳиммати билан шу кунгача 1150 тонна «оқ олтин» йиғиштирилиб олинди. Отрядларнинг кунинга терган пахталари 35—40 тоннани ташкил этапти.

Улар ўртасидаги мусобақада «Педагог» отряди пешқадамлик қилапти. Отряд аъзоларининг шу кунгача ўтган хирмонлари 150 тоннадан ошди кетди. Улар яна 100 тонна пахта териб беришга аҳд қилдилар. Умуман бу йил комсомол зарбдор отрядлари 2000 тонналик хирмон уйиш учун кураш олиб боришляпти.

• ЙИҒИМ-ТЕРИМДА ҲАР БИР ДАМ ҒАНИМАТ • СУРЪАТНИ СУСАЙТИРМАНГ

ПИСКЕНТЛИК ПЕНСИОНЕРЛАР МУРОЖААТИГА ЖАВОБАН

Бу кун Ўзбекистонда ҳамма пахтакор. Қайси хўжалик борманг белида қуввати, юрагиди ўти бор ёшувексанинг даладада жавлон уратганини кўрасиз. Барчанинг фикру-зиқри йил бўйи қилинган меҳнат эвазига етиштирилган мўл ҳосилнинг сўнги мисолларига айтишнинг олтига қаратилганининг тўғриси бўлмас. Ана шундай долзарб паллада бир гурупа тошкентлик партия, Улуғ Ватан уруши ва меҳнат ветеранлари ҳам далага чиқиб, баҳол қудрат пахта йиғим-теримда қатнашишляпти.

Хўжалиқимизда 70 га яқин маҳалли пенсионерларимиз пискентликларнинг ташаббусига қўшилган ҳолда бизга ердан беришляпти. Уларнинг шу кунгача ўтган хирмонлари 30 тоннадан ошиб кетди. — дейди Янгйўл районидagi Х.Турсунқулов номи колхоз партия ташкилот секретари Жумабой Соибназаров. — Бугун эса Тошкент шаҳридан келган келган бир гурупа ветеранларнинг колхозимиз далаларида меҳнат қилишяпти нур устига асло нур бўлмайди.

Ҳақиқатан ҳам шундай В. И. Ленин номи Марказий музейнинг Тошкент филиали қоидада ташкил этилган партия ветеранлари Совети, қишлоқ хўжалиги ветеранлари шайхор Совети ҳамда Ўзбекистон колхоз ва совхозлари партиянинг Тошкент шаҳар бўлими партия комитети қоидада филиали томонидан, пенсионерларнинг илтимосига кўра ташкил этилган бу бригаданинг ҳозирги кунларда юзлаб ёшлар ишлатиб пахтазорларда бўлиши қатта тарбиявий аҳамиятга эга.

Шунингдек қатъий сазоворки, ерданга келган 30 га яқин отахон ҳамда онахонларнинг дерах барчаси «50 йил партия сифиди» кўрак нишони эгаллашди. Қалбда ғайрат-шижоати

жўш урган бу нуроний кексалар райондаги «Коммунизм» колхоз пахтакорларидан ҳам уларнинг бекинган ерданларини айланди. Улар икки кун мобайнида ана шу хўжалик даладоридан 1000 килограммга яқин «оқ олтин» йиғиштириб оlishди. Мана бугун эса улар Х.Турсунқулов номи колхознинг 50 центнерлик марра учун курашяпти, уста пахтакор Екуб ота Сариевнинг етакчилигидаги бригадаси аъзолари билан еллик кема-елка меҳнат қилишяпти.

урушининг барча заҳматларини ўз бошидан кечирган кечки ёш коммунистлар шулар эмасми!

Кўксиди «Уроқ ва болға» олтин медаллари билан тўғри отаҳонга ақиллашди. — Бу киши Орф Абзалов бўлади, — дейди қишлоқ хўжалиги ветеранлари шайхор Советининг раиси, партия ва меҳнат ветерани Умарбек Арслонбеков. — У узоқ йил республика халқ хўжалигини ривожлантиришга ҳисса қўшган, Улуғ Ватан

ти. Бригада заршунослари кунини кеча ҳар гектар ердан 36,5 центнердан ҳосил олиб, йиллик халқ хўжалик планини бажаришган эди.

Пахтазордан шодон кулги таралмоқда. Бир-бирларига ҳазил-мунотба қилиб меҳнат қилаётган кексаларнинг чехрасидан нур эгилди. Уларнинг шундоққина ёнларидаги лойқалларда пахта терётган аъзолари ҳамда ҳошари студент ёшлар ўртасида ҳам юзлаб ёшлар ўтганини кўришди. Чаноклардаги лўппи-лўппи «оқ олтин»ни ўзгача эъзоз, ўзгача меҳор билан териб олиб, этакка солган нуроний қишлоқларнинг халқлари уларни бир нафас бўлиб, узоқ ўтмишга сайр қилишди. Ахир, республикаимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга бутун ёшлик куч-ғайрати, илми ва меҳнатини сарфлаган, Улуғ Ватан

бўлишига қарамай, пахта йи-

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ПЛАННИ БАЖАРДИ

15 октябрь кун Тошкент области хўжаликлари давлатга пахта топириш йиллик планини республикада биринчи бўлиб бажардилар. Тайёрлов пунктларига 432,7 минг тонна «оқ олтин» келтирилди, бу планининг 100,63 процентини ташкил этади. Ҳар гектар майдондан олинган ҳосил 32 центнер бўлди.

Яли ҳосилнинг 96 процентидан зиёди юқори сортларга қабул қилинди. Бу ғалабада терим техникасидан самарали фойдаланиш ҳал қилувчи роль ўйнади, тайёрланган ҳосилнинг 82 проценти машиналарда териб олинди. Область уруғлик пахта тайёрлаш бўйича йиллик планини ҳам адо этди.

гим-теримда актив иштирок этапти. Азалли кунлари хирмонга 100 килограммга яқин «оқ олтин» тўқинди. Бугун ҳам бундай келмаптилар.

Норжон ая Абдуасомова билан хирмонда танишдик. Партия ветерани бўлган бу аёл Хоразм воқиссининг биринчи комсомолларидан экани бизни таъсирлантирди. Совет ҳокимиятини мустақимлаш, хотин-қизлар озолиги учун актив курашчи бўлган бу аёл сўз ел бутун умрини ҳалол меҳнат билан ўтказиб, элда шукрат қозонган.

— Биз ҳам «йиғитларимиздан қилишмай» ишлаймиз, — дея гапни шўрт кесди у. — Дугоналарим — Ҳайрихон Холиқов, Карима Ғуломов, Саодат Шамшова ва Чинихон Иброҳимовлар билан 25—30 килограммдан пахта теришга ҳаракат қиламиз.

Шу кунби хашарчи пенсионерлар хирмонга 900 килограммга яқин «оқ олтин» тўқинди. Йиғим-теримда Йўлдош ота Бобоқонов, Хожик ота Саидов, Жалил ота Ахромов, Абдуоҳид ота Тўрақонов, Раҳмат ота Аҳмедов, Аркадий ота Сардоров, Нежим ота Қосимов, Вартан ота Богдасаров, Шоберот ота Кузубоев, Виктор ота Самеини, Иқбол ота Нурмидинов ва Орф ота Аюповлар ҳам уларни терган пахталари билан хирмонга қўт-баракка киритдилар.

Пенсионерлар даладан қайтар эканлар, уларнинг Ватан бойлигига бойлик қўйиш йўлида қилинган яна бир олим-ҳиммат ишларидан кўнглиллари тўганини эси эттишти. Лекин, улар бу билан чеғараланмоқчи эмаслар. Юбилей йилида республикаимиз пахтакорлари томонидан уйилганган 6 миллион тонналик хирмон тўла-тўғуси бунёд этилмоқчи далада бўлиши, дейишмоқда улар.

Қ. КАРИМОВ,
«Тошкент ҳақиқатининг» махсус мухбири.

ТОНГДАН ОҚШОМГАЧА

Биз Ленин ордени «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг Усмон Юсупов номи бўлимада, Пахта далалари ойпоқ чой-шабага бурканган.

Худойберди Ибозаров шу бўлимда 15 йилдан бери бригадирлик қилмоқда. Бу коллектив кунлик ўсишда совхозда пешадам. Бригадада иккита терим зеносининг биринги коммунист Сафар Ибозаров, иккинчиси комсомол аъзоси Маматқул Ғулов етакчилик қилмоқда.

1-зено меҳнаткорлари Ойсара Ораққулова, Эришгит Тиллаевлар «зангори кема»ларининг бир зено ҳам бонор туриб қолмишга. Нўл қўймаптилар. 2-зено аъзолари ҳам улардан қолш-маптилар. Лапас Ғулов ўттиз йилдан бери техника жилибини бошқаради. Унинг ўғли Маматқул отаси издан-издан бориб, хирмонга баракка киритляпти.

Бригаданинг тевар терим-ринчи қизлари ҳам йил бўйи пешона тери билан етиштирилган «оқ олтин»ни тез ва соз йиғиштириб олишга астойдил ҳаракат қилишляпти. Улар тонгдан шомгача пахтазорни тарқ этишляпти. Гулолим Хўжаева, Қаршигул Бобоқонова, Марям Зенунова сингари тевар теримчилар 100—125 килограммдан «оқ олтин» теришиб, пахта хирмонини юксалтиришляпти.

15 нафар теримчи орасида чўққи соқолига оқ қирос кўнган қарилли уратди. У йиғитлардек чаққон ҳаракат қиларди.

— Бу киши бригаданизинг энг некса аъзоси Абдулқосим ота Ойлов бўлади. Ёшлари 63 дан ошган бўлса ҳам ҳали бақувватлар, — дейди бригадир.

— Район газетасида босилган қариллар мурожаатини ўқиб, хурсанд бўлдим. Айни диндадаги гапларни айтишди. Тағи-жони соғ қилишга ҳозир унда ўтирадиган вақт эмас-да ахир, — дейди Абдулқосим ота.

Бригаданинг шинамгина дала шипини бор. Унда деҳқон учун, механизатор учун зарур шарафлар мўҳайе. Ошпаз Рафидоҳон Нўлдошев далада ишлатилган пахта мизали оғаклар тайёрлаб берапти.

Бригада аъзолари йиллик планини 7 октябрда бажаришга аҳд қилган эдилар. Сўларининг устидан чиқиди. Ҳа демай гектаридан 43 центнердан ҳосил олиб, мажбуриятини ҳам адо этишди. Чунки бригаданинг ёшувари си бир тан, бир жон бўлиб, теримни жадал суръатларда давом эттирмоқда.

Х. ЗОКИРОВА.

„Оқ олтин“ хирмонига

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 15 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН
МАЪЛУМОТ

Биринчи устун—районлар, иккинчи устун—бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун—мавсум бошидан буён, туртинчи устун — машинада бир кунда, бешинчи устун — мавсум бошидан буён машинида.				
Бўка	0,60	110,95	0,32	111,10
Оқўрғон	1,01	104,86	0,17	101,70
Ғалаба	1,01	102,87	0,74	104,80
Пискент	1,01	101,79	1,19	105,15
Коммунистик	1,25	97,50	1,19	88,39
Ўрта Чирчиқ	1,15	97,03	0,81	95,58
Янгйўл	1,52	92,76	1,60	82,98
Бекобод	1,10	92,66	1,29	80,45
Чиноз	2,06	87,24	2,30	84,19
Область бўйича	1,10	99,61	1,04	96,68

Паркентликларнинг меҳнат ғалабаси

КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Плениуми қарорлари, шу Пленумда қабул қилинган маълумат Ой-оғак программасининг муносиб ҳисса қўйиш учун социалистик мусобақани кенг аяқ олдирган Паркент райони меҳнаткашлари дастлабки ғалабани қўлга киритдилар. Қишлоқ хўжалик меҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш халқ хўжалик плани муддатидан илгари 14 октябрда муваффақиятли адо этилди.

Район хўжаликлари соҳибдорлари давлатга 18 минг тонна узум топириб йиллик планини 104,8 процент адо этишди. Картошка топириш плани 124,8 процент



СУРАТДА: бир гурупа пенсионерлар пахтазорда. М. Храмовский фотоси.

БИЗ ҲАМ ПАХТАКОРМИЗ

ПИСКЕНТЛИК тенгдошларимиз айни дилимиздаги гапларни айтишди. Зеро, республикаимизда ишлатилган барча ёшдан, касбкорлар катта ёшлар билан, айни кунларда Назовий номи колхоз пахтазорларида фарандларимиз билан ёшма-ёш меҳнат қилишляпти. Кунинга катта хирмонга ўзининг 45—50 килограммлик пахтаси билан муносиб ҳисса қўшаётган Ҳанифа Бойматова, Қорасот Хошимовга ўхшаган пенсионерларнинг ҳимматини кўрган ёшларимиз янада ғайрат билан меҳнат қилаётганликларини бизни гошда кўзатишмоқда.

Биз ҳам тенгдошлар билан маслаҳатлашиб бир киши бригада туздик. Унга 32 киши бирлашди. Айни кунларда Назовий номи колхоз пахтазорларида фарандларимиз билан ёшма-ёш меҳнат қилишляпти. Кунинга катта хирмонга ўзининг 45—50 килограммлик пахтаси билан муносиб ҳисса қўшаётган Ҳанифа Бойматова, Қорасот Хошимовга ўхшаган пенсионерларнинг ҳимматини кўрган ёшларимиз янада ғайрат билан меҳнат қилаётганликларини бизни гошда кўзатишмоқда.

Тўғри, бизнинг улетган хирмонимиз кичкина, лекин «адамгача қил қуввати» доғаларидек, мана шундай пахта ирмоқларидан тоғ-тоғ хирмонлар бўлиб, этилди. Тенгдошларимизнинг ҳар бири бу йил мавсум охиригача 2 тоннадан «оқ олтин» териб беришмоқчи. Ёйлайманки, биз ўз сўзимизнинг устидан, албатта, чиқамиз. Кўзимизда нур, билатимизда қўчимиз бор экан, даладаги ҳосилнинг бир мисқолини ҳам ес-ноб бўлишига йўл қўймадан йиғиб-териб оламиз.

Бахри ТАГИРОВА,
Оқўрғон районидagi Оққўрғон шаҳрида истиқомат қилувчи пенсионер.

ҲАМИША МАДАДКОРМИЗ

Терим мавсумини қисқа муддатларда юксак унум билан якунлашга биз ҳам муҳим ҳисса қўйишмиз зарур. Бу ҳисса — колхозчиларга ва совхоз ишчиларига, айниқса, областимизнинг шаҳар ва савзавотчилик районларидан ҳашарга келган 28 минг ердამчилик намунали транспорт хизмати кўрсатишдан иборат. Эрта билан уларни пахта даласига элтиб қўйиш, ишдан сўнг эса яна ётоққа олиб келиш вазифини бизнинг автокорхонамиз коллективи зиммасига юклатилган. Ётоқ жойи билан пахта терилган пайнал оралиги 4—5 километр ва ундан ҳам ортиқ масофада бўлгани учун теримчиларга автобус хизмати зарур бўлади. Ҳар кун кеч-кунурун хўжаликлардан олинган буюртмалар бўйича эртаси кун 30—35 та автобус пахтакорлар хизматига йўналтирилади. Машиналардан самарали фойдаланиш учун теримчиларга хизмат кўрсатишга иштирок қилиш учун автобуслар ўзининг одатдаги маршрутида рейсга чиқади ва кечқурун яна белгиланган вақтда далага йўл олади.

Автокорхонамизда 107 автобус ва 16 та снгил такси машиналари бўлиб, уларга 200 дан ортиқ киши хизмат кўрсатмоқда. Коллективимиз кўп йиллардан буён мунтазам зиммасидан план ва мажбуриятларини ошириб бажариб, район корхоналари ўртасида ва республика Автообиль транспорт министрилик коллективлари ўртасида фахрли ўринларни эгаллаб келмоқда. Кейинги йилларда қатор ташкилий-техникавий тадбирларнинг амалга оширилиши, оммавий-сиёсий ишларини янада жонлантириш натижасида ишлаб чиқариш плани ҳамма тобора ошляпти ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданияти кескин юксалмоқда.

Бу муваффақиятларда

узоқ йиллардан бери фидокорна меҳнат қилиб келаятган пешадам ҳайдовчиларнинг, ремонтчиларнинг, инженер-техник хўжалиқнинг ҳиссаси салмоқли бўлган. Ҳа биринчи беш йиллик бошдан буён 40 ҳайдовчи «Коммунистик меҳнат зарбдори» деган шарафли ном берилди. Улар орасида Пискент—Тошкент маршрутида қатнайдиган Геннадий Борников, Бўна—Тошкент маршрутида Эшнур Абдураманов, Турсунали Иноков, Анвар Абдураҳмонов, Абдуманно Абдуоҳидов, Бўка—Олма-лиқ маршрутида Абдукарим Тошқужаев каби тажрибали ҳайдовчилар бор.

Ҳозирги пайтда автобус-таксимотор паримиз коллектив 6 шаҳарлараро ва 21 шаҳар атрофи маршрутларига хизмат кўрсатляпти. Бўка—Бекобод, маршрутида Ислом Хатамов, Отабой Насруллаев, Владимир Кармазин, Бўна — «Кремль» совхоз маршрутида Эргаш Файзиёв, Абдулаҳад Черкезовлар ва такси ҳайдовчилари Жалил Бадамшин, Аскар Аширатовлар кунлик планларини мунтазам ошириб бажариш билан бирга хўш муомаласи, юксак йиғиномчили-

ги билан йўловчиларнинг миннатдорчиликларига сазовор бўлишмоқда. Пахта йиғим-теримда теримчилар учун транспорт хизмати кўрсатиш билан бирта ва мамналида коллектив аъзолари ҳам бевосита иштирок этишмоқда. Ҳайдовчилар, ишчилар ҳамда инженер-техник хўжалиқлардан ташкил тоилган 40 кишидан иборат теримчилар бригадаси ҳар кун «Партия XIX съезди» колхозига меҳнат қилишляпти. Ҳашарчиларимиз ерданин босилган биринчи беш кунликда — 11 сентябрдан 15 сентябргача бўлган муддат ичида мажбуриятларини 10 тонна ўрнига 11 тонна «оқ олтин» териб бериб, район кўма — Қизил байроғини қўлга киритишга муваффақ бўдилар.

Меҳнатда эришган муваффақиятлари, мамлакатимизда экскаваторозолиқни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун ҳамда ташкил этилган кунига 50 йил ту-

шан муносибати билан Тошкент экскаватор заводи Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ерлиги билан мукофотланган.

Меҳнатда эришган муваффақиятлари, мамлакатимизда экскаваторозолиқни ривожлантиришга қўшган катта ҳиссаси учун ҳамда ташкил этилган кунига 50 йил ту-

шан муносибати билан Тошкент экскаватор заводи Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ерлиги билан мукофотланган.

Тошкент шаҳри, 1982 йил 14 октябрь.

«К. С. СТАНИСЛАВСКИЙ ИЖОДИЙ МЕРОСИ ВА КЎПМИЛЛАТЛИ СОВЕТ ТЕАТРИ ТАРАҚҚИЙИ» МАВЗУСИГА БАҲИШЛАНГАН ХАЛҚАРО СЕМИНАР

ТЕАТР САНЪАТИНИНГ УЛКАН ИЖОДКОРИ

Константин Сергеевич Станиславский — XIX аср рус театрининг раҳбарлари ва совет театрининг бағирдорлари бўлган улғун сиймо. У Шпенкел ва Пушкин, Островский ва Гоголь бошлб берган муқаддас ишнинг давом эттириш ва янгиликларни қўшиб қўйишга ҳақлиқ. Константин Сергеевичнинг рус миллий маданиятининг илгори реалистик традицияларига мустақам таълим, саҳна санъатида чинқам ижодий қаҳармонлик қўрсатди.

18 октябрда Тошкентда «К. С. Станиславский ижодий мероси ва кўпмиллатли совет театрининг тараққиёти» мавзусига Халқаро семинар ўз ишини бошлади. Москвада Халқаро театр институтини ўтказилган бу семинарда қатнашган улғун маданиятнинг турли жойларидан маданият арбоблари келмоқдалар. Шунингдек, чет эл театрларининг вакиллари ҳам бу улғун санъаткорлар анжуманига қатнашган улғун республиканинг пойтахтига таъриф буюрмоқдалар.

Станиславский қолдирган меросда санъаткорнинг ахлоқий масалаларига катта эътибор берилганини кўрадик. Говий образлари билан кишиларда олижаноб туйғулар — уйғотиб, янги ҳаёт учун курашга чорлаш уларнинг орзу хаваслари ва идеаллари ҳақида таъриф учун санъаткорнинг ўзи чин инсон бўлиши, шахсиятларасилик, меҳнатчиллик ва тақаббурликдан соф бўлган — ҳақиқий тартибдан бўлиши керак деб таъкидлаётган унинг керак эди Константин Сергеевич. Унинг бутун ҳаёти ва ижоди бу олий ахлоқ талабларига амал қилишнинг ақилолӣ намунаси — дур. Унинг Невмирович-Данченко билан ўзига қўйган, қирқ йил ҳамкорлик қилиши ҳам шундан далолат беради.

Станиславский буюк режиссер, ақилолӣ артист ва доно муаллим бўлиши билан бирга, улғун олиим ҳам эди. У ўз таърибига, режиссерлик ва актёрлик фаолиятига, машҳур артистларнинг ижодий жараёнини улғунлиқ қўлиб боришдан ҳосил қилган таъсируларига асосланган ҳолда саҳна санъати асослари ва қонунларини илмий текшириб, тулук бир система яратди. «Станиславский системаси» деб аталган бу таълимот мас-

лаҳат ва нисхатлар йиғиндисидан иборат бўлмади, доно ҳаракатда ва ривожланишда бўлган амалий ҳоллар қўмулди. У совет театрининг таъкил топиши ва юкселишига, жаҳон театр тараққиётига буюк таъсир қўрсатди; у бундан кейин ҳам театринингга кўп фойда келтирди, актёрлар ва режиссерлар учун ихом ва ижод манбаи бўлиб қизмат қилди.

Умуманов театрда назарий пойдевор бўлиб қизмат қилган бу ҳаётбаҳо таълимот ўзбек театри учун ҳам мактаб вақифини ўтди. Театрининг тараққиётига назар ташласак, Станиславский меросини ижодий ўзлаштирилганини ва ўзига хос шартларда ривожлантирилганини кўрадик. Станиславский артист ижоди тўғрисидаги материалistik назарияси, у асосланган ва раҳбарлик қилган Бадий театрнинг принциплари Ўзбекистонда илгори рус сайёр театр гуруҳлари билан ўтган асрнинг сўнги чорлагидеки кириб кела бошлаган эди. Аммо ўзбек театри Октябрь революциясидан кейин бу таъсирни ақлол сиза бошлади. Ўзбек артистлари Станиславский системасига бевосита 1924 йилда дуч келдилар. Шу йил Моск-

вада биринчи ўзбек драма студияси очилди, унда ҳозирги Хамза номидagi академик драма театрининг ногизини ташкил этган бир гуруҳа артистлар таълим ола бошладилар. Уларга Станиславскийнинг издоши Е. В. Ваханговский, Р. Симонов, И. Толчанов, О. Басов каби шоғирлари ҳамда Бадий театр студиясида таълим олган В. Канцель ва Л. Свердлов каби ийрик артистлар раҳбарлик қилдилар. Студиячилар ўқиш давомида Станиславский, Невмирович-Данченко ва Вахангов голлари ва ижодий иш услубларини кунт билан ўргандилар, ўзлаштирдилар. Шу йилдан бошлаб Станиславский, унинг ишлари ва таълимоти ўзбек театрига қадрдон ва азиз, ихом ва макб бўлиб қолди. Ўзбек театрида 30-йилда «Бой ила хизматчи», «Гулсарай», «Гамлет», «Отепел», «Мамур ва муҳаббат» каби чинқам спектаклларнинг яратилиши бевиз эмас эди.

Кисса қилиб айтганда, ўзбек театри эришган ҳар бир ютуқ ва талабда, ҳар бир яхши спектакль ва ақилолӣ роляда улғун Станиславскийнинг нафаси бор, қўли бор. Чунонки, кўп йиллардан бунинг мактаб томонбашларини мамнуи ва шод қилиб саҳнадан тушмай қолганган «Бой ила хизматчи», «Гамлет», «Алишер Навоий» (Хамза номидagi театр), «Нурхон» (Муқимий номидagi театр) каби асрларнинг улғун умр куриши ва ҳаммиша наққарилиги буюк рус санъаткори меросига сарофат ва муҳаббатнинг тикмисли, устоъ асиятларининг амалдаги ёрқин кўринишларидан бири эмасми? Ҳа, шундай.

Ўзбек театри бундан кейин ҳам Станиславскийнинг материалistik таълимотига асос солииб иш қиладиган, унн ўз ижодий программаси ва голзий интилишларига мос ҳолда ривожлантиради.

Муҳсин ҚОДИРОВ, санъатшунос доктори, профессор.

ЧИН ҚАЛБДАН

«ДУСТАРИМ — деган эди буюк театр ишқоши, ёшларнинг мураббиси К. С. Станиславский — санъат қонига...» энг яхши туйғулар билан киришган. Дарҳақиқат санъат чамани энг нафис, энг гўзал ва энг нолик дид, фаросатни тақозо этади. Буюк устознинг ўлмас таълимоти олтиш йиллик юбилейи нишонланаётган

СССРнинг барча қардош халқлари санъаткорлари учун ҳам макб бўлиб келмоқда.

А. Н. Островский номидagi Тошкент театр ва расмий санъат институтини аша шундай санъаткорлар етиштирадиган дарфунунлардан биридир. Институтда республиканинг тулги рақобатларида театрларда ишлаш учун ҳар хил касб-қордаги ёш санъаткорлар тайёрланмоқда. Бу-

гунги кунда институт кўшини Қирғизистон, Қозғистон, Туркменистон республикалари ва Қоракандогистон АССР учун ҳам қўллаб маалаки кадрлар етиштириб берапти.

Айниқса, шу кунларда институт даъти ўзига келмоқда. Хаммада байрам ҳафизити, Санъат дарфунуниини Тошкентда бўлиб ўтатган «К. С. Станиславский ижодий мероси ва кўпмиллатли совет театри тараққиёти» мавзусига халқаро семинарга ҳозирлик қилимоқда. Халқаро семинар қатнашчилари бизнинг инсти-

тутда ҳам бўладилар. Бу биз учун катта қувончли воқеадир. Маана, салкам 40 йилдан бунинг институт Станиславский таълимотининг ҳаётбахш зисидан баҳраманд ёшларни тарбиялаб келмоқда. Олдинда эса қизқичарли учрашувлар, ижодий суҳбатлар, илмий-назарий конференциялар, доқладлар ва лекциялар.

З. МУМИНОВ, С. РИЗОВ, Ш. ПАРАДОВ, А. Н. Островский номидagi театр ва расмий санъати институтини студентлари.

«ОХАНГАРОН»

район газетаси қоллиа ижодкор ёшларнинг «Илҳом» клуби ишлаб турибди. Бу гуруҳа қон раёонинг қоллоқ ва соқозлариди истикомат қилаётган хаваскор қаламашлар жалб қилинади.

«Илҳом» клубининг яқинда бўлиб ўтган йилги йиллигида Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Тошкент бўлими бўлимининг секретари, Хамза номидagi республика Давлат хамда Ўзбекистон Девон номсидagi Мухофотларининг лауреати Абдулла Орипов, шу бўлим бюросининг аъзоси, жангчи-шайр Назармат шийроқ эдилар. Клуб машғулотида СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси Роҳида Ҳафизова, шунингдек, хаваскор шийрлардан Озод Хушназаров, За-

рифа Эралиева, Нурали Абдураулов ва бошқалар ўзларининг янги баган шийрларидан ўқиб бердилар. Ёш ижодкорларнинг шийрлари хамда раёонга меҳмон бўлиб келган шийрлар ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Масалалар бердилар. Мушоира нечаси жула қизқарли ўтди. Унда раёон партия комитетининг секретари Ш. Қаршибоева қатнашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Тошкент бўлими бўлимининг вакиллари раёондаги Во-

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БЎЛИМИДА

«ИЛҲОМ» ИХЛОСМАНДЛАРИ

рошлов номли совхозда ҳам бўлиб, у ерда қитоб-хонлар билан учрашува ўтказилар. Шийрлар хамда раёонга меҳмон бўлиб келган шийрлар ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Масалалар бердилар. Мушоира нечаси жула қизқарли ўтди. Унда раёон партия комитетининг секретари Ш. Қаршибоева қатнашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи Тошкент бўлими бўлимининг вакиллари раёондаги Во-

рошлов номли совхозда ҳам бўлиб, у ерда қитоб-хонлар билан учрашува ўтказилар. Шийрлар хамда раёонга меҳмон бўлиб келган шийрлар ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Масалалар бердилар. Мушоира нечаси жула қизқарли ўтди. Унда раёон партия комитетининг секретари Ш. Қаршибоева қатнашди.

БУНДАЙЛАРГА ИШОНМАН!

миссиясининг раиси Усмон ака ҳам келиб қолдилар. Беморларнинг ҳаётида қилиб даволашнингизин билмокчи эдик.

Э, гап буюкда дедик. Мен ёшлигимда табиблар хизматида бўлганман, кўзим пишган. Меннинг бахтига газета ва журналларнингизда табибига оид мақолалар чоп этила бошладилар. Ана, улор тахта-ларда. Хаммасини ўқиб табибига илганимиздек, табибнинг ишга устуни бор: сўз, гивах ва тиг. Топиб, билиб гапирман. Беморни, соғайиб кетишига ишонтирман. Керакли гивахни бериб, даволашга бел боғламан. Ниманики, ёзган ва таъсиз этган бўлсангилар, мен шуларни амалда қўллаётман, ҳалос.

— Табибнинг уч устунини билибсиз дейлик, — деб гап бошлади шифокор, — лекин

РЕКЛАМА ва ЭЪЛОНЛАР ГУРУЧЛИ ТАОМЛАР

ЕР КУРРАСИ АХОЛИСИННИНГ УЧДАН ИККИ ҚИСМИДАН КЎПРОФИ ГУРУЧНИ ЭНГ СЕВИМЛИ ВА ЛАЗЗАТЛИ НОЗУ-НЕЪМАТ ДЕВ ҲИСОБЛАЙДИ.

Уни Марказий ва Шарқий Африкада, Полинезияда, Жаңубий Европада энг етиштирилади. Испания ва Италияда гуруч илк ўрта асрлардан бунинг, Грекияда, Югославияда ва Болгарияда қадим-қадим замонлардан бунинг экилади. Ҳа, бу энг Америка қитъасида Флоридадан Ла-Плата кентликларида тарқалиб кетган, лекин шунга қарамай гуруччи етиштиришнинг асосий маскани Осиё бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Хитойда гуруч эришган қадар 3 минг йил муқаддам маълум бўлган. У шун ерда Хиндистонга ўтган ва кейинчалик янги-янги навлари яратилиб кетаверган. Шундан кейин гуруч бутун Осиё қитъасини забот этиб олган.

Гуруч Европада деярли кейинчалик пайдо бўлган. Қўлгана европача тилларда унинг номини бир-бирига ўхшатиш: рис, райс, рис, рисо деб аталган. Бу номлар XVIII асрнинг охириларидан бошлаб муомалага кириб келган. Ушунга қадар у сарайин бугдойи ёни сарайин доини деб аталган. XV асрда бу ном Венгрия орқали Украинага ўтиб, тушуниб бўлмайдиган «сарайин» сўзи «сорочинск» сўзига айланиб кетган. «Сорочинск бугдойи» номи остида гуруч Россияда XIX асрнинг 70 йилларида қадар маълум бўлган. Ўрта Осиёда гуручнинг шол, Кавказда чалтик деб аташган. Бу ерларда ҳам бутун Шарқдаги каби гуруч энг сеvimли нозу-неъматга айланиб кетган.

Гуручнинг пазандчилигида ишлатиш гоълта раиғ-барангдир. У тузланган ва ширин нозу-неъматлар, норлон ва майини, қотган ва хушбўй, сутли ва кремли, ўткир, қиздирувчи нозу-неъматлар билан жула ҳам яхши муносаббатли кетади. Уни балиқли (балиқли салатлар), қўзиқорили ва уили таомлар билан бемалол ишлатиш мумкин.

Гуручга пизз, саримсоқ пизз, томат пастаси ва шарбати, қизил гармдор, ўсимлик ва ҳайвонот мойи, туҳум, шакар, сут, қаймоқ, долчин, олма, олхўри, майиз, лимон, апельсин, зиравор ва шоколадларнинг барча хиллари билан янада яхши сингилиб кетади.

ГУРУЧНИ ТОЗАЛАШ СИРЛАРИ:

Ҳар қандай гуруч совуқ сувда қўйиб қизартганга қадар ювилади. Катта, думалоқсимон, донадор гуруч бироз иссиқ бўлган сувда 10—15 минут ийитиб қўйилади. Шундан кейин совуқ сувда ювиб ташланади.

Узунчоқ куруқ гуруч совуқ сувда ювилгандан кейин қайноқ сувга бироз қайиб олиниди. Шундан кейин эса яна унн човлида совуқ сувда ювиб ташланади ва қайнатилиш учун қозонга солинади.

Гуручнинг қайнатилишнинг бир неча усуллари:

Ҳамма таомга ишлатиш учун: Бир стакан гуруч, 50 грамм ёғ, бир литрга ақия сув, бир чой қошиғида туз, бир-бир ярим ош қошиғида томат.

Шўрва қайнатилди, ювилган гуруч устига солилади, ёғ, туз, томат қўйилади. Қозон қоқоғи беритилади, мийтиллаб турган алангада буги чиққунга қадар қайнатилади.

УЗОҚ ШАРҚЧА ТАОМ

Беш стакан гуруч, 6 стакан сув, туз ишлатилмайди: Гуруч тозалаш ювилб бўлгандан кейин қозондаги совуқ сувга солинади, қозон қоқоғи зичлаб беритилади ва балиқдони алангада шайрлатиб қайнатилади. Шу захотиёқ алангани ўртача қилиб 10 минут қайнатилади, шундан кейин яна паст алангада 5 минут қайнатилади. Қозон қоқоғи теда олиниб, қозон устига сочин ёпилиб яна қоқоғи ёпилади ва аланга ўйирилган ҳолда 10 минут дамаб қўйилади.

ВЬЕТНАМЧА ТАОМ

Гуруч яхшилаб тозалангандан кейин, ювмасдан туриб товада (1 стакан гуруч, 1 ош қошиғида ёғ) ёғ билан туз сариқ ёни қиримиз рангга киргунга қадар қовурилади. Шундан кейин таом бошқа қилишга сувиниб устидан 1 стакан сув (энг яхшии қайнаган сув) қўйилади ва қозоннинг қоқоғи ёпилиб қолган ҳолда ўртача оловда қайнатилади.

ЯПОНЧА ТАОМ

1 стакан гуруч, 1 ярим стакан сув, 1 чой қошиғида туз масалли ўрнида ишлатилади. Қайнаб турган сувга ювиб тозаланган гуруч солинади, қозоннинг қоқоғи шундай энг ёпилади, таомнинг буги чиқиб кетмаслиги дозим ва паст алангада 12 минут давомида қайнатилади. Шундан кейин аланга ўйирлиб 12 минут давомида дамаб қўйилади. Шундан кейин қозоннинг қоқоғи очилади.

Гуручдан айрим таомлар тайёрлашни маслахат берамиз:

ПУДИНГ

Яхшилаб тозаланган ва ювилган гуруч қайнаб турган намаги келтирилган сувга солинади ва 40 минут давомида қуёқ тортуғига қадар қайнатилди, шундан кейин хом туҳум, шакар, ванилин солииб яхшилаб аралаштирилади ва ёғ билан мойлаб устига тақон сепилган қозилча-

М. ҚОРБЕКОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

19, 20 октябрда соат 19.00 да «ХАНДА» ансамблининг

КОНЦЕРТИ

ПРОГРАММАДА: «АЙТСАМ ТИЛИМ ҚУЯДИ, АЙТСАМ ДИЛИМ...» (Икки бўлимдан иборат театрлаштирилган эстрада томошаси)

Сценарий муаллифи — Шерқўзи ҲОЗИЕВ.

ҚАТНАШАДИЛАР:

Шерқўзи ҲОЗИЕВ, Ўтар ЮСУПОВ, Нойла НУРМУ-ХАМЕДОВА, Азиз ҲОЗИЕВ, Валентина ПАШКОВА, Гайбулла МЕЛИЗБЕЕВ, Розия НАЗАРОВА.

VI жаҳон фестивалининг лауреати Ақбар НУЛДОШЕВ.

Ўзбек халқ қолу асбоблари ансамбли.

Программани Мамаоли ХОЛМАТОВ ва Зайниддин ОМОНОВ олиб борадилар.

«ХАНДА» ансамблининг бадий раҳбари — Шерқўзи ҲОЗИЕВ.

Музыка раҳбари — Мирсалим МУҲАМЕДЖОНОВ.

«ХАРЬКОВ» МАРКАЗИ ЭЛЕКТР УСТАРАЛАР БИР УМР ЭСКИРМАЙДИ:

«ХАРЬКОВ» ЭЛЕКТР УСТАРАЛАРИ ДОИМО ТАКОМИЛЛАШИВ БОРМОҚДА.

«ХАРЬКОВ-109» ТУРЛИ ЭЛЕКТР УСТАРАЛАР ОИЛАСИНИНГ БИРИДИР.

Устарага узоқ муддат ишлайдиган бежирим қудратли электр двигателчаси ўрнатилган Бу ротор тилидаги «сузувчи» ҳаракатланувчи пичоқ ва ётиб қолган сочларни туртиб қўядиган икки соломали ва пружинали турпичоқ ўрнатилган. Устарада соқол олувчи блок ҳам бор.

«ХАРЬКОВ-109» соқолни тоза олади, кишини юзюда майин сирғайди, бежирим ишлайди.

«ХАРЬКОВ-109» ЭЛЕКТР УСТАРАСИГА давлат сифат белгиси берилган.

«РЕКЛАМА» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.



ларга солинади. Қозилчаларни товага қўйиб яна 15 минут қайнатилди. Шундан кейин пудинг дам егач, тарелкаларга солиб дастурхонга тортилади.

Масаллиқ учун икки стакан гуруч, 2 стакан сув, 2 стакан сут, 1 дона туҳум, 2 та ош қошиғида сариқ мой, шакар, туз, ванилин тайёрлаб қўйиш керак.

ҚИЗАРТИРИБ ПИШИРИЛГАН ГУРУЧ

Гуруч тозалаш ювилган қайнатилди, шундан кейин 2 дона туҳум солиб аралаштирилди. Тобага ёғ суркаб, устидан тақон сепилди, бўтқа ётирилди, сирти текисланади. Туҳум суркаб думоқна шифада 15—20 минут давомида пиширилади. Қизартirilган тайёр таомни тўрт бўлакка бўлиб тарелкага солинади.

Масаллиқ учун 2 стакан гуруч, 2 ош қошиғида ёғ, ярим ош қошиғида туз ёки шакар, 2-3 дона туҳум, 2 ош қошиғида тақон тайёрлаб қўйилади.

ОЛХУРИЛИ ПАЛОВ

Гуруч тошдан тозаланиб, қайноқ сувда уч марта ювилгандан кейин қайнаб турган намаги келтирилган сувга солинади, тургалган сабзи, пизз, ярим чой қошиғида томат (қизартirilган мақсадда), қуёқлашгунча қайнатилди, шундан кейин тозалаш ювилган олхўри солиб аралаштирилади ва 10—15 минут давомида қозонни ёпилиб ҳолда паст оловда қайнатилди. Тайёр бўлган палов калпир билан уриб юмшатилди. тарелкаларга солиб, устидан майда тургалган петрушка ва укроп ёни қўйиб сепилди.

Масаллиқ учун икки стакан гуруч, тўрт стакан сув, бир стакан олхўри, икки бош пизз, бир дона сабзи, уч ош қошиғида мой, тағба яраша туз, гармдор, қўнатлар тайёрлаб қўйилади.

БУХОРОЧА МАПИЗЛИ ПАЛОВ

Гуруч тошдан тозаланиб, икки ош дона давомида сувда ийитиб қўйилади. Қозонга солинган ёғ туғунли ҳақсимон бўлиб чиққунга қадар қиздирилади. тургалган сабзи ташлаб айлантирилади ва тургалган пизз солиб айлантирилади. 10-15 минут қовурилади, шундан кейин устидан уч-тўрт стакан қайноқ сув қўйиб, яхшилаб ювилган майиз ташлаб 5—10 минут қайнатилди.

Гуруч устига қўйилгандан сув шунча ҳажмда бўлиши дозимини, уни бир сантиметр қалинлида қоплаб турсин. Гуруч сувини тортиб олгандан кейин, қозоннинг қоқоғи зичлаб беритилади ва палов яна 25 минут паст алангада қайнатилди. Тайёр бўлган таомни аралаштириб лаганларга сузилади.

Палов ёнига редискали, анорли салат қўшиб тортилса айин мудоао бўлади.

5-6 порцияли таом учун: бир килограмм гуруч, 150 грамм майиз, 250 грамм ўсимлик мойи, 2-3 бош пизз, 400 грамм сабзи, тағба яраша туз тайёрлаб қўйилади.

ХУРМАТЛИ УИ БЕКАЛАРИ!

ШАҲАР ОЗИҚ-ОВҚАТ САВДОСИ МАТАЗИНЛАРИДАН СИЗ ГУРУЧ СОТИВ ОЛИШНИНГИЗ МУМКИН!

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Бош савдо бошқармаси.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

«ТАШОВДМЕЛНОВОД-СТРОЙ» ҚУРИЛИШ БОШ-ҚАРМАСИ

5-ҚУЧМА МЕХАНИЗАЦИЯЛАНГАН КОЛОННАСИГА

гипт терувчилар, сувоқчилар, бўёқчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофоти. Ҳар ой қучма меҳнат характериға қараб 30 процент устема ҳақ тўланади.

Наримочов шаҳри (Бектемир) ва Тошкент шаҳрида ишланади.

2 йил ишлаб берилгандан сўнг квартира билан таъминланади.

Бизнинг адрес: Тошкент области, Наримонов шаҳри, Строительная кўчаси, 53-уй (106-автобуснинг «Корейс театри» бекати).

Ольга Никопавна КУДРЯШОВАННИНГ

вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент область касеба союллари Совети касеба союллари Советининг секретари М. И. Сафарова онаси

Мария Константиновна САФАРОВАННИНГ

вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ольга Никопавна КУДРЯШОВАННИНГ

вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Спецкоопторг» бошқармасининг хужалик хисобиди нон заводи коллективни завод мастери Т. Мухаммадалиевага умр кўлоди

Абдулгани МУҲАММАДАЛИЕВНИНГ

вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Спецкоопторг» бошқармасининг хужалик хисобиди нон заводи коллективни завод мастери Т. Мухаммадалиевага умр кўлоди

Абдулгани МУҲАММАДАЛИЕВНИНГ

вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Спецкоопторг» бошқармасининг хужалик хисобиди нон заводи коллективни завод мастери Т. Мухаммадалиевага умр кўлоди

Абдулгани МУҲАММАДАЛИЕВНИНГ

вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Спецкоопторг» бошқармасининг хужалик хисобиди нон заводи коллективни завод мастери Т. Мухаммадалиевага умр кўлоди

Абдулгани МУҲАММАДАЛИЕВНИНГ

вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Спецкоопторг» бошқармасининг хужалик хисобиди нон заводи коллективни завод мастери Т. Мухаммадалиевага умр кўлоди